

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИКНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№БД 5510100; 5111000 -2.03
2020 йил “ 08 ” 09

Соғликни сақлаш вазирлиги
236-сонли буйруғи
2020 йил “ 08 ” 09



ГИСТОЛОГИЯ, ЦИТОЛОГИЯ, ЭМБРИОЛОГИЯ МОДУЛ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	500000	– Соғликни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси:	510000	– Соғликни сақлаш
Таълим йўналишлари:	5510100	– Даволаш иши
	5111000	– Профессионал таълим (5510100 - даволаш иши)

Тошкент – 2020

Тузувчилар:

Азизова Ф.Х.

ТТА, Гистология ва тиббий биология кафедраси мудири, т.ф.д.

Отажонова А.Н.

ТТА, Гистология ва тиббий биология кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н.

Ишанжанова С.Х.

ТТА, Гистология ва тиббий биология кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар:

Одилбекова Д.Б.

ТТА, Анатомия, клиник анатомия кафедраси доценти, т.ф.д.

Зокирова Н.Б.

ТошПТИ, патологик физиология, гистология кафедраси доценти, т.ф.д.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилди.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академияси кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2020 йил “29 июл” даги “18”-сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш кенгашининг 2020 йил “25”августдаги “2”-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил “08” 09 даги ”236” -сонли буйруғининг 5 иловаси билан модул дастури рўйҳати тасдиқланган.

1. Ўқув модулининг долзарбилиги ва олий таълимдаги ўрни

Гистология, цитология, эмбриология модули ўқув режанинг клиника олди модуллари блокига тааллуқли бўлиб, 1-2 курсларда ўқитилади ва умумий амалиёт шифокорида тиббий билимлар асосини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Гистология, цитология, эмбриология ўқув модули дастури инсон организмининг хужайралари, тўқималари, аъзолари ва системаларининг эмбрионал ва постэмбрионал тараққиёти, микроскопик ва субмикроскопик тузилиши, уларнинг ҳаёт фаолияти қонуниятлари, фаннинг тарихи ва ривожланиш тенденцияси, истиқболи масалаларини қамрайди ҳамда бўлғуси умумий амалиёт врачларида клиник фикрлаш, касаллик ва унинг белгиларини асослаш учун замин яратади.

Модулни ўқитиш учун биология, кимё, физика, анатомия, физиология, биокимё фанлари замин ҳисобланади. У бошқа заминий модуллар билан биргалиқда организм тўғрисида яхлит маълумотга эга бўлишни, шу билан бирга талабада клиник фикрлаш қобилиятини ривожланишини таъминлайди.

Гистология, цитология, эмбриология модули кейинчалик патологик анатомия, патологик физиология, фармакология ва клиник модулларни ўқитиш учун замин бўлиб хизмат қиласди.

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалавриат таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Мазкур модул дастури мавзулари тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриат босқичи клиника олди модулларининг дастур мавзулари билан узвий боғлиқ ҳолда яратилади.

2. Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари

2.1. Модулнинг мақсади – одам организми орган ва тўқималарининг эмбрионал ривожланиши, микроскопик ва субмикроскопик тузилиши, хужайраларнинг цито- ва гистофизиологиясининг асосий қонуниятларини ўрганиш, гистологик препаратларни идентификация ва интерпретация қилиш кўникмаларини эгаллаш.

2.2. Модулнинг вазифалари:

- хужайра, тўқима ва аъзолар тараққиёти, тузилиши ва фаолияти тўғрисида замонавий назарий билимларни эгаллаш;
- микроскопик ва субмикроскопик препаратларни тўғри таҳлил қилиш борасида асосий амалий кўникмаларга эга бўлиш;
- одам организми хужайралари, тўқималари ва аъзоларининг эмбрионал тараққиёти қонуниятларини ўзлаштириш;
- хужайра, тўқима ва аъзоларнинг ёшга нисбатан ўзгаришлари ва уларнинг турли таъсирларга нисбатан жавоб реакциаларини тўғри талқин қила билиш;

- энг муҳим цитологик, гистологик ва эмбриологик тадқиқот усулларининг асосларини ўзлаштириш.

2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўнижма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

2 семестр якунидা

Талаба:

- биологик объект сифатида одам танасининг кўпдаражали (хужайра, тўқима, аъзо, тизим, организм) тузилиши тамойили ва ундаги иерархик ўзаро алоқалар;
- одам организмидаги функционал тизимлар, уларнинг бошқарилиши **ҳақида масаввурга эга бўлиши;**
- хавфсизлик техникаси ва биологик лабораторияларда ишлаш қоидалари;
- хужайра, тўқималарнинг турлари, умумий тузилиши ва вазифаларини;
- регенерация, дифференцировка, пролиферация жараёнлари, тўқима ва аъзолар интеграцияси бўйича умумий биологик қонуниятларни;
- юрак-қон томирлар тизими, қон яратувчи ва иммун ҳимоя аъзолари, эндокрин тизим аъзоларининг тараққиёт манбалари, шаклланиш муддатлари, умумий тузилиш асослари, вазифалари ва ёшга кўра бўладиган ўзгаришларини;
- кейинчалик патологик ҳолатларда юзага келадиган ўзгаришларнинг моҳиятини ўрганиш учун аъзо ва тўқималарнинг нозик (микроскопик) тузилиши ва вазифаларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- микроскоп билан ишлаш;
- микропрепаратларни ёруғлик микроскопи остида диагностика қилиш;
- қон суртмаларидағи лейкоцитлар турларини тўғри ажратиш;
- препаратлардаги асосий тузилмаларни альбомда тўғри тасвиrlаш;
- касбий фаолият учун ўқув, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар ва Интернет тизимидан фойдаланиш;
- ўз фикр-мулоҳаза ва холосаларини асосли тарзда аниқ баён эта олиш **кўнижмаларига эга бўлиши керак.**

3 семестр якунидা

Талаба:

- одам организмидаги функционал тизимлар, уларнинг бошқарилиши;
- одам организми ривожланишининг асосий босқичлари;
- одам эмбриогенезининг турли даврларида хужайра, тўқима ва аъзолар тузилишининг ўзига хослиги **ҳақида масаввурга эга бўлиши;**
- тери ва унинг ҳосилалари, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, сийдик айириш, нерв тизими, эркак ва аёллар жинсий аъзолари ҳамда сезги аъзоларининг тараққиёт манбалари, шаклланиш муддатлари, умумий тузилиш асослари, вазифалари ва ёшга кўра бўладиган ўзгаришларини;

- одам эмбриологияси босқичлари, уларнинг хусусиятлари, провизор аъзолар, “она-ҳомила” тизими, эмбриогенезнинг қалтис даврларини **билишии ва улардан фойдалана олиши;**
- микропрепаратларни ёруғлик микроскопи остида тўғри диагностика қилиш;
- препаратлардаги асосий тузилмаларни альбомда тўғри тасвирлаш;
- касбий фаолият учун ўқув, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар ва Интернет тизимидан фойдаланиш;
- ўз фикр-мулоҳаза ва хулосаларини асосли тарзда аниқ баён эта олиш **кўникмаларига эга бўлишии керак.**

3. Асосий қисм

3.1. Модулдаги маъруза машгулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Иккинчи семестр

1-мавзу: Тўқималар

Тўқималар ҳақида тушунча. Тўқималарнинг таркибий қисми: ҳужайралар ва ҳужайралараро модда. Дифферонлар, тўқима регенерацияси, регенерация турлари. Тўқималар турлари: эпителиал, ички муҳит, мушак ва нерв тўқималари. Эпителий тўқимасининг морфофункционал тавсифи, турлари. Ички муҳит ёки таянч-трофик тўқималар, морфофункционал тавсифи, таснифи. Қон таркиби, гемограмма, унинг клиник моҳияти. Қоннинг шаклли элементлари. Гемограмманинг ёшга қараб ўзгаришлари. Эмбрионал гемоцитопоэз. Толали ва маҳсус хусусиятли бириктирувчи тўқималар. Тоғай ва суяк тўқималари. Асл бириктирувчи тўқима, турлари. Сийрак толали бириктирувчи тўқима, моҳияти. Тоғай тўқимаси: гиалин, эластик, толали тоғайнинг таркибий қисми, тарақкиёти, регенерацияси, ёшга кўра ўзгаришлари. Суяк тўқимаси, турлари, ҳужайралари ва ҳужайралараро моддалари.

Мушак тўқимаси тавсифи, таснифи. Силлиқ мушак, скелет мушак тўқимасининг тузилиши. Юрек мушак тўқимаси тузилиши, вазифалари ва регенерацияси.

Нерв тўқимасининг тарақкиёти ва тавсифи. Нейронлар ва Нейроглия: глиоцитлар. Нервлар, нерв охирлари, синапслар.

2-мавзу. Юрек-қон томирлар тизими

Қон томирларининг тарақкиёти, умумий тавсифи, турлари, улар тузилишининг гемодинамикага боғлиқлиги. Артериялар, турлари, тузилиши. Гемомикроциркулятор тармоқлар: гемокапиллярлар, артериолалар, венулалар, артериоло-венуляр анастомозлар, тузилиши, фаолияти. Веналар, турлари, тузилиши. Юрек, тарақкиёти, умумий тавсифи, деворлари. Эндокард, тўқима таркиби, юрак клапанлари. Миокард: типик ва атипик мушаклари, қўзғалиш

ҳосил қилувчи ва уни ўтказувчи тузилмалари. Эпикард ва перикард тузилиши. Юрак деворининг регенерацияси ва ёшга кўра ўзгаришлари.

3-мавзу. Қон яратувчи ва иммун-ҳимоя аъзолари

Умумий тавсифи, қон ва иммун системалари ҳақида тушунча. Қон яратилишида ва иммунитетда микромуҳит ҳужайраларининг роли. Марказий аъзолар. Суяк кўмиги. Айрисимон без (тимус), тараққиёти, тузилиши ва иммун жараёндаги аҳамияти. Периферик аъзолар, уларнинг гемопоэз ва иммуногенездаги роли. Талоқ, тараққиёти, тузилиши. Лимфатик тугунлар, тараққиёти, тузилиши. Пўстлоқ ва мағиз моддалар, синуслар, Т- ва В- зоналарнинг хусусиятлари, тугунда лимфа айланиши. Тугунларнинг иммунитетдаги роли ва ёшга кўра ўзгаришлари.

4-мавзу. Эндокрин тизим

Эндокрин аъзолар, умумий тавсифи, марказий ва периферик эндокрин аъзолар. Гипоталамус. Гипофиз, тараққиёти, таркибий қисмлари. Гипоталамо-аденогипофизар алоқалар ва унда портал қон айланишнинг аҳамияти. Эпифиз, тузилиши, гормонлари, функционал аҳамияти. Қалқонсимон ва қалқонсимон олди безлари, тараққиёти, тузилиши, гормонлари, вазифалари. Буйрак усти бези, тараққиёти, умумий тузилиши. Пўстлоқ қисми зоналари ҳужайралари ва уларнинг гормонлари. Мағиз қисми, унинг ҳужайралари ва гормонлари. Диффуз эндокрин ҳужайралар ва АПУД система. Эндокрин аъзоларнинг ёшга кўра ўзгаришлари.

Учинчи семестр

1-мавзу. Тери ва унинг ҳосилалари. Нафас олиш системаси

Тери, тараққиёти ва морфо-функционал тавсифи. Эпидермис, тузилиши, асосий қаватлари ва кератинизация жараённинг кечиши. Дерманинг сўрғичли ва тўрсимон қаватлари, уларнинг тузилиши ва аҳамияти. Тери ҳосилалари: тери безлари, соchlар ва тирноқлар. Уларнинг тузилиши, ўсиши.

Нафас олиш системаси, умумий тавсифи ва тараққиёти. Ҳаво ўтказувчи йўллар: бурун бўшлиғи, ҳиқилдоқ, трахея ва бронхлар. Уларнинг тузилиши ва вазифалари. Ўпкалар. Ўпка ичидаги бронхларнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўпканинг респиратор бўлими: ўпка ацинуслари. Алвеолалар деворининг тузилиши: пневмоцитлар турлари, сурфактант, аэро-гематик тўсиқ, алвеоляр макрофаглар ва уларнинг аҳамияти.

2-мавзу. Овқат ҳазм қилиш тизими

Овқат ҳазм қилиш найи девори тузилишининг асосий принциплари. Умумий морфо-функционал тавсифи. . Оғиз бўшлиғи ва унинг ҳосилалари, тараққиёти, умумий тавсифи. . Йирик сўлак безлари, турлари, тузилиши ва аҳамияти. Муртаклар, тузилиши ва иммун жараёнларда тутган ўрни. Ютқин ва

қизилўнгач: тараққиёти, деворининг тузилиши ва вазифалари. .

.Ютқин, қизилўнгач, меъда.

Меъда, тараққиёти, умумий тавсифи ва деворининг тузилиш принципи. . Ингичка ичак, тараққиёти, тавсифи, деворининг турли қисмларда ўзига хос тузилиши, . Ичакда сўрилиш жараёнининг гистофизиологияси. Йўғон ичак, умумий тавсифи, деворининг тузилиши, вазифалари. Чувалчангсимон ўсимта, унинг тузилиши ва аҳамияти. Тўғри ичак. . Меъда ости бези: тараққиёти, умумий тавсифи. .

Жигар: тараққиёти, умумий тавсифи. Классик жигар бўлакчасининг тузилиши. Портал бўлакча ва жигар ацинуси ҳақида тушунча. .

Меъда ости бези: тараққиёти, умумий тавсифи. .

3-мавзу. Сийдик айирув системаси. Эркаклар жинсий системаси

Сийдик ажратиш аъзоларининг умумий тавсифи. Буйраклар: тараққиёт босқичлари, пўстлоқ ва мағиз моддалари. Нефрон буйракнинг структур ва функционал бирлиги. . Буйракда қон айланиши. Сийдик ҳосил бўлиш жараёнининг гистофизиологияси. Буйракнинг эндокрин фаолияти: . Сийдик ажратувчи йўллар: буйрак косачалари ва жомчалари, сийдик найи, сийдик қопи, уларнинг тузилиши ва аҳамияти. .

Жинсий системанинг умумий тавсифи, тараққиётининг индифферент, эркак ва аёл туридаги ихтисослашган босқичлари. Эркаклар жинсий аъзолариниг тараққиёти ва умумий тавсифи. Уруғдонлар, уларнинг генератив ва эндокрин фаолияти. . Простата бези, тараққиёти, тузилиши, вазифалари ва ёшга қараб ўзгаришлари.

4-мавзу. Аёллар жинсий системаси. Одам эмбриологияси асослари

Аёллар жинсий аъзоларининг умумий тавсифи, тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари. Тухумдонлар, пўстлоқ ва мағиз моддаларининг тузилиши, генератив ва эндокрин фаолияти. . Овариал цикл ва унинг гормонал бошқарилиши. Бачадон деворининг тузилиши. Менструал цикл ва унинг фазалари. . . Сут безлари, тараққиёти, умумий тавсифи.

Одам эмбриологияси ва унинг тиббиётда тутган ўрни. Одам пуштининг асосий тараққиёт босқичлари. Гаметогенез: сперматогенез ва овогенез, . Уруғланиш, унинг биологик моҳияти ва босқичлари, . . Зигота, тузилиши. Майдаланиш, одам пуштининг майдаланиш хусусиятлари. Имплантация, унинг механизмлари, босқичлари. . Гаструляция, одам пушти гаструляцияси, унинг босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари. . Эмбрионал куртаклар, тўқималар ва ўқ аъзоларнинг ҳосил бўлиши. Нейруляция, ҳомила ва рақалари гистогенези ва дифференцировкаси. . Мезодерма: дерматомлар, миотомлар, склеротомлар, спланхнотомлар. Мезенхима. Энтодерма ва унинг ҳосилалари. Провизор ёки

муваққат аъзолар.

5-мавзу. Нерв тизими. Сезги аъзолари

Нерв системаси, тараққиёти ва умумий тавсифи, таснифи. Нерв ўзаги, нерв тугунлари. Орқа мия: . тузилиши, ўтказувчи йўллари. Бош мия. Бош мия ярим шарлар пўстлоғининг цито- ва миелоархитектоникаси, нейронлараро боғланишлар. Гемато-энцефалик тўсиқ, таркибий қисмлари ва аҳамияти. Мияча, кулранг модда, унинг қаватлари ва нейрон таркиби, миячанинг оқ моддаси. Нерв системасининг ёшга кўра ўзгаришлари.

Анализаторларнинг умумий тавсифи, бирламчи (нейросенсор) ва иккиламчи (эпителиосенсор) ҳужайралар. Кўриш аъзоларининг тараққиёти ва умумий тавсифи. Кўз олмасининг қаватлари: . Қовоқлар ва ёш безлари. .

Эшитув ва мувозанат аъзолари. Ташқи ва ўрта қулоқлар, тузилиши, фаолияти. Ички қулоқ: суюкли ва пардали лабиринтлар. Пардали лабиринтнинг чиганоқ қисми, эшитув аъзосининг тузилиши, . Эшитув гистофизиологияси. Лабиринтнинг вестибуляр қисми: эшитув доғлари ва эшитув қирралари., .

Маъруза машғулотлари компьютер, телевизор, мультимедиа курилмалари билан жиҳозланган аудиторияларда академик гурухлар оқими учун ўтилади.

3.2. Модулдаги амалий машғулотлар мавзулари, ташкил этиши бўйича умумий курсатма ва тавсиялар:

3.2.1. Амалий машғулотлар мавзулари рўйхати:

2-семестр

Мавзу: Цитология

Мавзу: Тўқималар. Эпителий тўқимаси. Безли эпителий, безлар

Мавзу: Гемоцитопоэз ва унинг босқичлари

Мавзу: Бириктирувчи тўқима. Асл бириктирувчи тўқима. Махсус хусусиятга эга бириктирувчи тўқима

Мавзу: Скелет тўқимаси (тоғай ва суюк тўқималари)

Мавзу: Мушак тўқимаси

Мавзу: Нерв тўқимаси

Мавзу: Юрак қон томирлар системаси

Мавзу: Қон яратувчи ва иммун аъзолари

Мавзу: Эндокрин тизим аъзолари.

3-семестр:

Мавзу: Тери ва унинг ҳосилалари

Мавзу: Нафас олиш тизими

Мавзу: Овқат ҳазм қилиш тизими

Мавзу: Сийдик айирув тизими

Мавзу: Эркаклар жинсий тизими

Мавзу: Аёллар жинсий тизими

Мавзу: Одам эмбриологияси асослари

Мавзу: Нерв тизими

Мавзу: Сезги аъзолари.

Лаборатрия машғулотлари:

Мавзу: Гистологик препаратларни тайёрлаш техникаси

Мавзу: Қон ва лимфа. Қон суртмаларидаги лейкоцитлар турларини түғри ажратиш.

Мавзу: Гистологик препаратларни ёруғлик микроскопи остида диагностика қилиш.

3.2.2. Амалий машғулотларни ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Модул бўйича амалий ва лаборатория машғулотлари компьютер, телевизор, мультимедиа қурилмалари ва лаборатория жиҳозлари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гурӯхга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чукурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш.

3.2.3. Модулни ўқитиши давомида эгалланадиган амалий қўнишка ва компетенциялар:

Модул давомила талабалар қон ва лимфа. Қон суртмаларидаги лейкоцитлар турларини түғри ажратиш учун “гистологик материал”дан фойдалана олиш; талабалар томонидан гистология модулида олган билимларини гистологик препаратларни ёруғлик микроскопи остида диагностика қилиш қўнишкарнига эга бўлиши керак.

Модул давомида эгалланадиган амалий қўнишкалар рўйхати:

1. Микроскоп билан ишлаш;
2. Қон суртмаларидаги лейкоцитлар турларини түғри ажратиш;
3. Микропрепаратларни ёруғлик микроскопи остида диагностика қилиш.

Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:

УК-1¹. Абстракт фикрлаш, ходисаларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига эга бўлиш;

¹ УК – умумий компетенция

УК-4. Ўз-ўзини ривожлантиришга, англашга, ўқишига, ижодий салоҳиятдан фойдаланишга тайёрлик;

УКК-1². Касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот, библиографик манбалар, биотиббиёт терминологияси, ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишга тайёрлик;

УКК-4. Касбий хатоларнинг олдини олиш учун ўз фаолияти натижаларини таҳлил қилиш қобилияти;

УКК-9. Касбий вазифаларни ҳал қилиш учун одам организмидаги моррофунаңионал, физиологик ҳолатлар ва патологик жараёнларни баҳолаш қобилияти;

КК-21³. Илмий тадқиқотларда иштирок этиш қобилияти.

4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар

4.1.Мустақил таълим учун тавсия этилган мавзулар:

Иккинчи семестр

1. Ҳужайра апоптози ва унинг биологик аҳамияти
2. Қон ҳужайраларининг физиологик ва репаратив регенерацияси механизmlари.
Қон шаклли элементларининг ўзаро таъсирида гуморал омилларнинг роли
3. Гемоцитопоэз жараёнининг бошқарилуви
4. Иммун-химоя реакцияларининг морфологик асослари
5. Фибробластларнинг жароҳатнинг битиши ва чандик хосил бўлишидаги роли
6. Қон ва сийрак толали биректирувчи тўқималарнинг ўзаро муносабати
7. Суякларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсир этувчи омилар
8. Мушак қисқариш механизмининг морфологик асослари
9. Юрек мушаги регенерацияси

Учинчи семестр

1. Нафас олиш тизими аъзоларининг қиёсий гистологик тавсифи
2. Ҳазмланиш жараёнининг эндокрин бошқарилуви. Меъда-ичак найининг эндокрин ҳужайралари
3. Ҳазм найининг лимфоид тузилмалари
4. Артериал босимнинг бошқарилуvida буйракларнинг роли
5. Жинсий циклнинг гормонал бошқарилуви механизми
6. Сут безлари фаолиятининг бошқарилуви, сут безларининг ёшга қараб ўзгариши

² УКК – умумий касбий компетенция

³ КК – касбий компетенция

7. Одам эмбриогенезининг қалтис даврлари
8. Гематоэнцефалик тўсиқ гистофизиологияси
9. Ҳид билиш аъзоси
10. Таъм билиш аъзоси
11. Фоторецепциянинг морфологик асослари
12. Организмнинг нерв, иммун-эндокрин бошқарилуви

4.2. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг шакллари:

1. Айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
2. Берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
3. Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
4. Машғулот мавзулари бўйича конспектлар ёзиш;
5. Фаннинг бўлимлари ёки мавзулари устида маҳсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маъruzalар қилиш;
6. Илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш;
7. Кейс ечиш;
8. График органайзерлаш ишлаб чиқиш ва тўлдириш;
9. Кроссвордлар тузиш ва ечиш;
10. Вазиятли масалалар ечиш;
11. Микропрепаратларни ўрганиш ва расмини чизиш каби иш турларини ўз ичига олиб, у талабаларнинг дарсда олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар аудиториядан ташқарида ўтказилади.

Гистология, цитология, эмбриология модули бўйича курс иши ўқув режасида кўзда тутунмаган.

Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари

Гистология, цитология, эмбриология модули бўйича баҳолаш мезонлари хақидаги маълумот биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН)

- оралиқ назорат (ОН)
- якуний назорат (ЯН).

Модулга ажратилған 6 кредитни талаба жорий назорат давомида үйіфади.

ЖОРІЙ НАЗОРАТ (ЖН)

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бүйіча билим, амалий күйнікма ва компетенцияларни әгаллаш даражасини аниклаш ва баҳолаб бориш күзде тутилади. Гистология, цитология, эмбриология модули бүйіча ЖН оғзаки, тарқатма материаллари билан ишлаш, тест ва вазиятли масалалар ечиш, мавзуга оид гистологик препаратларни интерпретация қилиш, уйға берилған вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мүмкін.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал мұхокамасыда ва таълимнинг интерактив услугарыда қатнашишнинг фаоллық даражаси, шунингдек, амалий билим ва күйнікмаларни ўзлаштириш даражаси (яғни назарий, аналитик ва амалий ёндошувлар) хисобға олинади.

Хар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Жорий назорат учун ажратилған 6 кредит семестрлар бүйіча қуидаги тақсимланади:

- 2 семестр – 2,5 кредит;
- Жорий назорат - 2,5 кредит;
- Оралиқ назорат – 0 (ўтилиши мажбурий)
- 3 семестр – 3,5 кредит;
- Жорий назорат - 3,5 кредит;
- Якуний назорат – 0 (ўтилиши мажбурий)

Талаба 2 семестрда белгиланған кредитларни түплагандан кейин семестр якунида синовли вазифаны топширади ва ўтиш (сарапаш) балидан ўтсагина 3 семестрга ўтади. Талаба белгиланған кредитларни түплагандан кейин семестр якунида якуний назорат (синов)га киритилади.

Жорий назоратда сарапаш (ўтиш) баллидан кам балл түплаган ва узрли сабабларга күра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сүнгги жорий назорат учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Модул бўйича талаба рейтинги қўйидагича аниқланади:

Балл	ECTS баҳо	ECTS нинг таърифи		Баҳо	Таърифи
86-100	A	«аъло» – аъло натижа, минимал ҳатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аник, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>муаммоли саволларни аниқлаши, ўз қарашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши;</p> <p>ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал кила олиш қобилиятини кўрсата олиши;</p> <p>амалий қўнималарни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;</p> <p>амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши;</p> <p>модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши;</p> <p>модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллай олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гурухли мухокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>	5	аъло
81-85	B	«жуда яхши» – ўргадан юқори натижа, айрим ҳатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан,</p>	4	яхши

			<p>илмий, хорижий тилда ҳам) аник, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалashi;</p> <p> ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p> модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p> стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p> <p> амалий қўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;</p> <p> амалий машғулотларда норматив-хуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганилиги;</p> <p> модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p> ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p> назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гурӯхли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>	
71-80	C	«яхши» – ўртача натижа, сезиларли ҳатоликлар билан	<p> модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бироз камчиликлар билан;</p> <p> терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аник, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалashi;</p>	

			<p>ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва қасбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p> <p>амалий қўнималарни мустақил равишда бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>амалий машғулотларда норматив-хуқуқий хужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гурухли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;</p>		
60-70	D	«қониқарли» – суст натижа, қўпол камчиликлар билиш	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши;</p> <p>терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши;</p> <p>жавоб беришга ёки айрим маҳсус қўнималарни намойиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;</p> <p>амалий қўнималарни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил</p>	3	Қони карли

			<p>аммо ҳатоликлар билан түлиқ бажара олиши;</p> <p>компетенцияларни мустақил, аммо ҳатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;</p> <p>педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p> <p>ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигидан қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>	
55-59	E	«ўрта» – минимал натижага тенг	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қониқарли билим ҳажмига эга бўлиши;</p> <p>терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим кўпол ҳатоларга йўл қўйиши;</p> <p>жавоб беришга ёки айрим маҳсус кўникмаларни намойиш қилишда кийналганда ва ҳатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;</p> <p>амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил эмас ва ҳатоликлар билан түлиқ бажара олиши;</p> <p>компетенцияларни мустақил эмас ва ҳатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;</p> <p>педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p> <p>ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда</p>	

			педагог ходим раҳбарлигига қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
31-54	FX	«қониқарсиз» – минимал даражадаги билимларни олиш учун қўшимча мустақил ўзлаштириши зарур	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантиқий хатоларга йўл қўйса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида хам тўғрилай олмаса.	2	Қониқарсиз
0-30	F	«мутлоқ қониқарсиз» – тўлиқ қайта ўзлаштириши лозим	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва қўпол мантиқий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида хам тўғрилай олмаса.		

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ (ОН)

ОНда талаба томонидан модулнинг бир неча мавзуларни ўз ичига олган бўлими ёки қисми бўйича билим ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш даражаси баҳоланади.

Гистология, цитология, эмбриология модули бўйича бўйича ОН ҳар семестрда бир марта ўтказилади. ОНга ЖН бўйича тегишли кредитларни тўплаган тарабалар киритилади. ОН кафедра мажлисининг қарори билан оғзаки ёки тест шаклларида ўтказилади. ОНда саралаш бали (55балл) йиға олмаган талаба якуний назоратга қўйилмайди.

Оралиқ назоратни ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштироқида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш

тартиблари бузилган ҳолларда, оралиқ назорат натижалари бекор қилинади ва оралиқ назорат қайта ўтказилади.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЯН)

ЯНда талабанинг билим, қўникма ва малакалари модулнинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. ЯН Гистология, цитология, эмбриология модули бўйича ўқув машғулотлари тугаганидан сўнг, тест марказида тест синови шаклида ўтказилади.

Модул бўйича ЖНга берилган кредитларни тўплаган ва ОНдан ўтган талабага ЯНда иштирок этиш хуқуқи берилади. ЯН битта жавобли ва қўп жавобли, мутаносиблик ва кетма-кетликни аниқлашга мўлжалланган тест саволларидан иборат бўлади. ЯНда саралаш балини (55 балл) йиға олмаган талаба ЯНдан ўтмаган ва модулни ўзлаштиргаган деб ҳисобланади (ЖНда кредитни тўлиқ йиғган бўлса ҳам).

Таълим муассасаси ректорининг буйруги билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ва якуний назорат қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли якуний назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида якуний назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруги билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруги билан З (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири,

ўкув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

5. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлари ҳамда ахборот манбалари

5.1. Асосий адабиётлар

1. Тўхтаев Қ.Р. Гистология, цитология, эмбриология, Дарслик. Тошкент. 2018 й.
2. Zufarov K.A. Gistologiya, Darslik.Toshkent. 2005 у.
3. Афанасьев Ю.И. Гистология, Учебник. Москва. 2012 г.

5.2. Қўшимча адабиётлар

4. Жункейра Л.К., Карнейро Ж. Гистология, Учебное пособие. Москва. 2009 г.
5. Tursunov E.A. Gistologiya, O`quv qollanma. I qism.Toshkent. 2010 у.
6. Tursunov E.A. Gistologiya, O`quv qollanma. II qism.Toshkent. 2011 у.
7. Улумбеков Э.А., Челышев Ю.А. Гистология, эмбриология, цитология, Учебник. Москва. 2009 г.
8. Кузнецов С.Л., Мушкамбаров Н.Н. Гистология, цитология и эмбриология, Учебник. Москва. 2007 г.
9. Кузнецов С.Л., Мушкамбаров Н.Н., Горячкина В.Л. Атлас по гистологии, цитологии и эмбриологии, Учебное пособие. Москва. 2011 г.
10. Юшканцева С.И., Быков В.Л. Гистология, цитология и эмбриология, Краткий атлас. Санкт-Петербург. 2007 г.
11. Ross M.H., Palwina W. Histology, Atlas. 2011 у.
12. Jungueira L.C., Carneiro J. Basic Histology, Atlas. 2010 у.

5.3. Интернет сайтилари:

1. <http://www.histology.narod.ru/>
2. <http://rsmu.ru/8894.html>
3. <http://www.dapamojnik.info/gist/>
4. www.morphology.dp.ua/hist.php
5. <http://histologyatlas.wisc.edu/>
6. <http://www.histology-world.com/>
7. <http://www.visualhistology.com/>
8. <http://www.bu.edu/histology/m/>
9. <http://www.ziyonet.uz>
10. <http://www.edu.uz>

“ГИСТОЛОГИЯ, ЦИТОЛОГИЯ, ЭМБРИОЛОГИЯ” МОДУЛИДАН СИЛЛАБУС

Модулнинг тўлиқ номи	Гистология, цитология, эмбриология		
Модул коди:	Кредит ҳажми: 6,0 шундан: 2-семестр: 2,5 кредит; ЖН – 2,5 кредит ОН – 0 кредит (мажбурий) 3 семестр – 3,5 кредит;	Модул ўтилиш даври: 2-3 семестр	ECTS value:

	ЖН – 3,5 кредит ЯН – 0 кредит (мажбурий)		
Таълим йўналиши	5510100 – «Даволаш иши» 5511100 – «Профессионал таълим (5510100- Даволаш иши)»	1, 2 босқич бакалаврлари	
Модул давомийлиги	36 хафта		
Ўқув соатлари хажми:	Жами соат:	216	
	Шунингдек:		
	маъруза	18	
	амалий машғулот	96	
	Лаборатория иши	12	
	мустакил таълим	90	
Ўқув модулининг статуси	Клиника олди модуллар блоки		
ОТМ номи, манзили			
Кафедра номи			
Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳақида маълумот	Маъruzачиларнинг Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.	E-mail: E-mail:	
Машғулот вақти ва жойи			
Модулнинг мазмуни	Гистология, цитология, эмбриология модули инсон организмининг хужайралари, тўқималари, аъзолари ва системалариниг эмбрионал ва постэмбрионал тараққиёти, микроскопик ва субмикроскопик тузилиши, уларнинг хаёт фаолияти қонуниятларини қамрайди ва бўлғуси умумий амалиёт врачларида клиник фикрлаш, касаллик ва унинг белгиларини асослаш учун замин яратади.		
Пререквизитлар	Биология, кимё, физика, анатомия, физиология		
Постреквизитлар	Мазкур модул патологик анатомия, патологик физиология, фармакология, клиник модулларни ўзлаштириш учун замин яратади		
Модулнинг мақсади	Одам организми орган ва тўқималарининг эмбрионал ривожланиши, микроскопик ва субмикроскопик тузилиши, хужайраларнинг цито- ва гистофизиологиясининг асосий қонуниятларини ўрганиш, гистологик препаратларни идентификация ва интерпретация қилиш кўникмаларини эгаллаш.		
Модулнинг вазифалари	<ul style="list-style-type: none"> - хужайра, тўқима ва аъзолар тараққиёти, тузилиши ва фаолияти тўғрисида замонавий назарий билимларни эгаллаш; - - микроскопик ва субмикроскопик препаратларни тўғри таҳлил қилиш борасида асосий амалий кўникмаларга эга бўлиш; - - одам организми хужайралари, тўқималари ва аъзоларининг эмбрионал тараққиёти қонуниятларини ўзлаштириш; - - хужайра, тўқима ва аъзоларнинг ёшга нисбатан ўзгаришлари ва уларнинг турли таъсирларга нисбатан жавоб реакциаларини тўғри талқин қила билиш; - - энг муҳим цитологик, гистологик ва эмбриологик тадқиқот усусларининг асосларини ўзлаштириш. 		

Модул бўйича талабалар билими, кўнигма ва малакаларига қўйиладиган талаблар	<p>Талаба масаввурга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - биологик объект сифатида одам танасининг кўпдаражали (хужайра, тўқима, аъзо, тизим, организм) тузилиши тамойили ва ундаги иерархик ўзаро алоқалар; - одам организмидаги функционал тизимлар, уларнинг бошқарилиши; - одам организми ривожланишининг асосий босқичлари; - одам эмбриогенезининг турли даврларида хужайра, тўқима ва аъзолар тузилишининг ўзига хослиги ҳақида; <p>Талаба билиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - хужайра, тўқималарнинг турлари, умумий тузилиши ва вазифаларини; - аъзоларнинг тараққиёт манбалари, шаклланиш муддатлари, умумий тузилиш асослари, вазифалари ва ёшга кўра бўладиган ўзгаришларини; - одам эмбриологияси босқичлари, уларнинг хусусиятлари, провизор аъзолар, “она-ҳомила” тизими, эмбриогенезнинг қалтис даврларини; - регенерация, дифференцировка, пролиферация жараёнлари, тўқима ва аъзолар интеграцияси бўйича умумий биологик қонуниятларни; - кейинчалик патологик ҳолатларда юзага келадиган ўзгаришларнинг моҳиятини ўрганиш учун аъзо ва тўқималарнинг нозик (микроскопик) тузилиши ва вазифаларини; <p>Талаба кўнигмаларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - микроскоп билан ишлаш; - микропрепаратларни ёруғлик микроскопи остида кўриш ва ўқиш; - қон суртмаларидаги лейкоцитлар турларини тўғри ажратиш; - препаратлардаги асосий тузилмаларни альбомда тўғри тасвириш; - гистофизиологик жараёнлар чизмасини чизиш ва тушунтириш; - қасбий фаолият учун ўқув, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар ва Интернет тизимидан фойдаланиш.
Таълим бериш усуллари	Маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлари
Таъминот	<p>Таълимнинг техник воситалари: компьютер, телевизор, мультимедиа проекторлари;</p> <p>Лаборатория жиҳозлари;</p> <p>Ўқув-услубий материаллар: маъруза матни, маъруза презентациялари, тарқатма материаллар, дарслик, ўқув қўлланма, амалий ва лаборатория машғулотлари учун услугбий қўлланмалар, видеофильмлар, ўргатувчи компьютер дастурлари, видеомаъруза, аудиомаърузалар</p>

Ўқитиш натижалари:

Модул якунлаганда талаба билади:

2-семестр:

1. Ҳужайра, тўқималарнинг турлари, умумий тузилиши ва вазифаларини;
2. Регенерация, дифференцировка, пролиферация жараёнлари, тўқима ва аъзолар интеграцияси бўйича умумий биологик қонуниятларни;
3. Кейинчалик патологик ҳолатларда юзага келадиган ўзгаришларнинг моҳиятини ўрганиш учун аъзо ва тўқималарнинг нозик (микроскопик) тузилиши ва вазифаларини.

3-семестр:

1. Аъзоларнинг тараққиёт манбалари, шаклланиш муддатлари, умумий тузилиш асослари, вазифалари ва ёшга кўра бўладиган ўзгаришларини;
2. Одам эмбриологияси босқичлари, уларнинг хусусиятлари, провизор аъзолар, “она-ҳомила” тизими, эмбриогенезнинг қалтис даврларини;
3. Кейинчалик патологик ҳолатларда юзага келадиган ўзгаришларнинг моҳиятини ўрганиш учун аъзо ва тўқималарнинг нозик (микроскопик) тузилиши ва вазифаларини.

Модул якунлаганда талаба бажара олади:

1. Микроскоп билан ишлаш;
2. Гистологик препаратларни ёруғлик микроскопи остида диагностика қилиш;
3. Қон суртмаларидаги лейкоцитлар турларини тўғри ажратиш.